

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 11 июнь, № 115 (5030)

Жума

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 10 июнь куни Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентда бўладиган саммитида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев билан учрашди.

— ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси арафасида сизни Тошкентда қутлашдан мамнунман. Ишончим комилки, мажлис доирасида бўлажак музокаралар юксак даражада, ишчанлик руҳида ўтади, — деди Ислон Каримов.

Дмитрий Медведев Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислиги ақунарига юксак баҳо берди ва саммит асносида бўладиган музокаралар самарали ва сермазмун ўтишига, халқаро барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва минтақавий ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Президентлар Ўзбекистон — Россия муносабатларига доир кенг кўламли масалалар ҳамда минтақавий ва халқаро муаммо-

лар юзасидан фикр алмашдилар.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа кўплаб соҳаларда икки томонлама ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Россия кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида ҳам кўп томонлама асосда муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 10 июнь куни Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентда бўладиган саммитида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашди.

— ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг ишчан кайфияти ва конструктив ёндашувлари Тошкент саммити муваффақият билан ўтишини таъминлайди ва Ташкилот фаолияти самардорлигини янада ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади, — деб таъкидлади Ислон Каримов.

Қозоғистон Президенти, ўз навбатида, «Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислик давридаги саъй-ҳаракатлари Ташкилот тузилмаларини ҳамда минтақавий сиёсатнинг асосий йўналишлари бўйича қарорлар қабул қилиш механизмларини такомиллаштиришда ўрнатилган хизмат қилади. Тошкент саммитида кўриладиган масалалар ва имзоланадиган ҳужжатларнинг ўзидек ШХТнинг аҳамияти нақадар ошганини яққол кўрсатиб турибди», деб қайд этди.

Музокарада ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмаштириш учун олий даражадаги Ўзбекистон — Қозоғистон мулоқотларини изчил давом эттириш масалалари муҳокама қилинди. Икки давлат раҳбарлари Марказий Осиёдаги сув-энергетика захираларидан оқилона фойдаланиш, халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашдилар.

Шунингдек, минтақавий хавфсизлик, жумладан, терроризм, экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний савдоси ва минтақавий хавфсизлигига таҳдид солувчи

бошқа хавф-хатарларга қарши курашишга оид масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 10 июнь куни Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида қузатувчи сифатида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Мўғулистон Президенти Цахиагийн Элбэгдорж билан учрашди.

— Сизнинг ШХТ Саммитида иштирок этишингиз муҳим аҳамиятга эга, — деди Ислон Каримов. — Мўғулистон Президенти сифатида Ўзбекистонга илк ташрифингиз халқимизнинг маданияти ва қадимий тарихи, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти билан яқиндан танишиш, шунингдек, Ўзбекистон — Мўғулистон муносабатлари истиқболлини муҳокама қилиш учун яхши имкониятдир.

Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўзаро англашув ва иқтисодий-турли соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлик тамойилларига асосланади. Ўзбекистон ва Мўғулистон кўплаб соҳаларда ҳамкорлик бўйича улкан имкони-

ятларга эга. Мамлакатларимизнинг минтақавий ва халқаро хавфсизликка таҳдидларни бар-тароф этишга доир масалаларга ёндашувлари ўхшашдир. Мўғулистон Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлайди.

Таъкидлаш жоизки, Мўғулистон Ўзбекистон билан икки томонлама сиёсий муносабатларни фаоллаштиришга ҳаракат қилмоқда. 2009 йил 23 сентябрь куни Улан-Баторда ўзаро муносабатларни ривожлантириш мақсадида икки мамлакатнинг ташқи ишлар вазирликлари даражасидаги маслаҳатлашувларнинг биринчи давраси бўлиб ўтди.

Кўксаройдаги учрашувда Мўғулистон Президенти самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, ШХТ Саммити юксак савияда ташкил этилганини таъкидлади. Цахиагийн Элбэгдорж мамлакатимиз билан савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтиришнинг янги имкониятлари икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлишига ишонч билдирди.

ХИТОЙ РАИСИ МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИГА ГУЛ ҚЎЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва давлат ташрифи билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао 10 июнь куни мамлакатимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон хурриятимиз, эзгу ниятларимиз ва порлоқ истиқболимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

ХХР Раиси Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида Мустақиллик майдонига амалга оширилган кенг кўламли, улкан бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берди.

Ху Цзиньтао Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати фаолияти билан танишди.

КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва ўз вақтида қабул қилинган инқирозга қарши чораларнинг изчил амалга оширилиши мамлакатимиз банк-кредит тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш, унинг салоҳиятини мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бу Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Хитой тараққиёт давлат банки ўртасида кредит шартномасини имзолаш маросимида алоҳида таъкидланди. ШХТнинг Тошкентда ўтаётган саммити доирасида имзоланган мазкур шартномага кўра, Хитой банки мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳалари, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун 75 миллион АҚШ доллари ажратади.

Ўзбекистон ва Хитойнинг ушбу иккита йирик молия институти 2005 йилнинг октябридан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шу вақт мобайнида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаш учун умумий қиймати 80 миллион доллар миқдорида иккита кредит линияси тақдим этилди. Ўзбекистонлик тадбиркорларга 120 та лойиҳа бўйича молиявий ёрдам кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига Хитой тараққиёт давлат банкнинг кредит линиялари давлат кафолатисиз ва экспорт-импорт агентликларининг сугуртасиз ишончли шериклик асосида очилаётгани мазкур икки банк ўртасидаги ҳамкорлик самарали ривожланаётганидан далолатдир.

В. РУДАКОВА, ЎЗА мухбири.



2009 йилнинг июнь ойидан бошлаб Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилиб келмоқда. Бугун Тошкент шаҳрида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 10-йиғилиши бўлиб ўтади.

Унда Ташкилотнинг ўтган даврдаги фаолияти ақунари кўриб чиқилади ҳамда келгуси истиқболлари белгилаб олинади.

ШХТнинг Тошкент саммити хорижий экспертлар нигоҳида

«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбат чоғида ушбу сиёсий воқеа ҳақида ўз мулоҳазаларини баён этаркан, ХХР Ташқи ишлар вазирлиги хузуридаги Хитой халқаро масалалар институти ШХТ тадқиқотлари маркази директори Чэнь Юйжун Ўзбекистоннинг Ташкилот салоҳиятини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолаб, «Бунга мамлакатнинг ШХТдаги раислиги даврида эришилган натижалар гувоҳлик беради», дея алоҳида қайд этди. Унинг фикрича, БМТ ва ШХТ Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларациянинг имзолангани бунинг яққол мисолидир.

Буларнинг барчаси бош тадбир — Ташкилотнинг келгуси фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилувчи қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши кутилаётган ШХТ Тошкент саммитининг ўтказилишига муҳим асос бўлади.

— Ўзбекистоннинг раислигида ШХТга аъзо давлатлар тегишли вазирлик ва идоралари раҳбарлари учрашувлари муваффақиятли ўтказилди, — деди у, жумладан. — Жорий йил май ойида Тошкентда Ташкилотга аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Покистонлик экспертлар, хусусан, **Пешовар университети ректори Азизат Хоннинг** фикрича, ШХТга раислиги даврида Ўзбекистон эътиборли натижаларга эриша олди. Жумладан, ШХТ ва БМТ ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди, ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом ва ШХТ иш тартиби қоидалари ишлаб чиқилди. У, шунингдек, ШХТ доирасида аъзо давлатлар савдо-иқтисодий ҳамкорлик қилиш ва ягона иқтисодий бозор ташкил этиш бўйича етарлича истиқболга эга эканини қайд этди. «ШХТга аъзо давлатлар минтақаси табиий ва энергетик ресурсларга бойдир», дея таъкидлади у.

САНЪАТ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Маданият ва санъат ҳамиша халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган. Жозибали муסיқани тинглаш, рақсларни томоша қилиш учун таржимонга эҳтиёж йўқ.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлиги, улар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишончнинг мустаҳкамланишида ҳам маданият ва санъат муҳим ўрин тутди. ШХТнинг ҳар бир саммити доирасида ташкилотга аъзо мамлакатлар санъати намуналаридан ташкил этиладиган концерт бунинг таъкидидир.

Бу ШХТнинг Тошкент саммитида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди. 10 июнь куни «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида мазкур саммит иштирокчилари учун концерт намойиш қилинди.

Соат 17.00. Залга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ

Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Покистон Ислон Республикаси Президенти Осиф Али Зардорий, Мўғулистон Президенти Цахиагийн Элбэгдорж, Афғонистон Ислон Республикаси Президенти Ҳамид Карзай кириб келадилар.

Ийғилганлар олий мартабали меҳмонларни гулдўроқ қарсақлар билан кутиб оладилар. Саҳнада ўзбек, рус ва хитой тилларида кутлов сўзлари янгради.

Хонандалар Азамат Муҳаммадҷонов, Умид Исроилов, Нилуфар Эргашева, Барно Исмаиловалова ва хор жамоаси ижросида «Тинчлик таронаси»



(Давоми 2-бетда.)

«БУЮК ИПАК ЙЎЛИ — ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА САЁҲАТ»



Асқар ЁҚУБОВ (ЎЗА) олган сурат.

Пойтахтимизда бўлиб ўтаётган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 10-йиғилиши доирасида Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида «Буюк Ипак йўли — тинчлик йўлида саёҳат» мавзусида халқаро кўргазма очилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Ташқи ишлар вазирликлари, «Фонд Форум», Ўзбекистон Бадий академияси, Хитой халқаро муаммоларни тадқиқ этиш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмадан ШХТга аъзо мамлакатлар рассомларининг энг сара ижод намуналари ўрин олган.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Бадий академияси раиси Т. Қўзиев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ислохотлар маънавий-маърифий соҳалардаги ижобий ўзгаришлар билан узвий боғлиқ эканини таъкидлади. Шу боис юртимизда тасвирий санъатни ривожлантириш, бу соҳада эришилган ютуқларни кенг тарғиб ва ташвиқ этиш, ижодкорларни ҳар

(Давоми 2-бетда.)

САНЪАТ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда). Ўзбекистон давлат консерваторияси магистранти Ойгул Гулом қизи ижросида «Менинг суюкли Хитойим», хонанда Тамилла Курмакаева ижросида «Гўзал диёр» деб номланган кўшиқлар хитой тилида янгради.

Раҳим Мирзакомолов «Коробейники», Женисбек Пиязов «Питер кўчаси бўйлаб» рус халқ кўшигини ижро этди.

Муножот Йўлчиева, Зулайхо Бойхонова, Матлуба Дадабоева, Фаррух Зокиров, Озодбек Назарбеков ва бошқа санъаткорлар «Ялла», «Ўзбекистон», «Ай-қулаш», «Сабо», «Офарин» ансамбллари иштирокида бири-бирдан гўзал ва жозибали ўзбекча, қозоқча, қирғизча, тожикча, туркманча, қорақалпоқча кўшиқ ва рақсларни ижро этди.

Муяссар Раззоқова ва Аваз Ражабов ижросидаги «Инсон азиздир» кўшиги концертнинг авж пардаси бўлди. Ушбу тарона инсонларни меҳр-оқибатли бўлишга чорлаб, бир-бирини асраб-авайлаш ва эъзозлаш мадҳияси сифатида янгради. Кўшиқда куйланган «Орақдан юракка нур ёгсин фақат!» сатрлари ШХТ олий мақсадларига ҳамоҳанглиги билан алоҳида эътибор тортди ва концертнинг бадиий-ғоявий мазмун-моҳиятини намойиш этди.

Олим Тўрақулов, ҲА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда). «ИнфоШОС» интернет порталнинг бош муҳаррири Татьяна Синицинининг мулоҳазасига кўра, Ўзбекистон раислигининг қиймати, энг аввало, аниқликдадир. «Турлича фикр

вишга солмоқда. Экологик йўналиш — ШХТ ва БМТ биргаликда саъй-ҳаракат олиб борганидани, керакли натижага эришиши мумкин бўлган энг аниқ йўналишлардан биридир. ШХТга раислиги даврида Ўзбекистон, айниқса, ўз ташаб-

муаммолардан бири эканлиги айтилади. Ташкилотнинг бу борадаги ҳақиқий имкониятларининг ишга солиниши, экспертларнинг фикрича, ушбу масалани ҳал этишга ШХТнинг қўшган улуши бўлади. «Транспорт коммуникацияси-

ШХТНИНГ ТОШКЕНТ САММИТИ ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

билдирганлар кўп бўлди, лекин карвон ўз йўлида давом этди. Хусусан, Тошкент декларацияси ҳамкорликнинг ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилгани билан муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ушбу ташкилотлар ўртасидаги мулоқотларнинг янада ишончли ва амалийлигини таъминлайди», дейилади унинг «Новости» ахборот агентлиги веб-сайтида эълон қилинган мақоласида.

Муаллиф, шунингдек, таширф чоғида БМТ раҳбарига қуриб бораётган Орол денгизининг экологик манзараси яққол кўрсатилганини қайд этди. Бошқа муаммолар қаторида, унинг қисмати ҳам ШХТни таш-

бусини ишлаб чиқиш орқали афгон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш борасида муҳим қадамларни қўйди. Тошкентда БМТ шафелигида ташкил этилган «6+3» мулоқот гуруҳи мазкур мамлакатдаги зиддиятни тартибга солиши мумкин, деган хулосага келинди. Унинг таркибига ваколатли давлатлар — Афғонистоннинг қўшнилари, шунингдек, Россия, АҚШ ва НАТО вакиллари қиради. Бундай дипломатик-маслаҳатлашув органи воситасида Афғонистоннинг ичкарисиди ҳам, ташқарисиди ҳам келишувга эришиш мумкин.

Мақолада гиёҳванд моддалар савдосини тўхтатиш — муҳим

ни ривожлантириш — ШХТнинг иқтисодий соҳадаги устувор вазибаларидан биридир. Ўзбекистон Е-40 деб номланувчи халқаро транспорт йўлининг ўз худудида тегишли қисмини реконструкция қилиш бўйича олган мажбуриятини бажариб бўлди. Бундан ташқари, Навоий вилояти худудида ташкил этилган ва Е-40 йўналишининг марказида жойлашган эркин индустриал-иқтисодий зона келгусида нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа иқтисодиёти ривожига таъсир кўрсатувчи куч бўлади», деб ёзади мақола муаллифи.

«Жаҳон» АА.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

НАВОИЙ шаҳрида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашда прокуратура органларининг халқаро ҳамкорлиги мавзусига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари ҳимоясига бағишланди

Республика Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқшунослари билан биргаликда мониторинг институтининг ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида барча шарт-шароитлар яратилганлиги эътироф этилиб, жиноятчиликка қарши кураш самардорлигини оширишда прокуратура органларининг халқаро ҳамкорлигини янада кучайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, тадбирда ўтган давр мобайнида жиноят ишлари юзасидан Ўзбекистон тергов идораларининг чет элларда яшириниб юрган кидирувдаги шахсларни ушлаб бериш тўғрисидаги илтимосномалари ҳамда хорижий давлатлар ваколатли органларининг ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровномалари бажарилиши ҳам батафсил таҳлил қилинди.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚўШКЎПИР туманида томёқич материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Хоразм шифер» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Қўшкўпирда янги корхона

Лойиҳа қиймати 600 миллион сўмлик ушбу корхонада хориж технологияси асосида ойига ўртача 400 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Муҳими, 30 киши доимий иш ўрнига эга бўлган «Хоразм шифер» жамоаси жорий йил охирига қадар маҳаллий хом ашё ҳисобига 500 минг донагача қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни режалаштирган.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САМАРҚАНД туманидаги «Оҳалик олтин боғи» фермер хўжалиги аъзолари тумanning тоғли ҳудудида 402 гектарлик боғ барпо этишди.

Тоғ бағрида боғ

Шу мақсадда фермер хўжалиги томонидан 768,9 минг АҚШ доллари миқдоридидаги маблағ сарфланди. 30 киши меҳнат қилаётган ушбу боғдан келгусида 5 минг тоннагача ҳўл мева етиштирилиши мўлжалланмоқда.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚўРФОНТЕПА тумани марказида сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган хусусий корхона фаолият бошлади.

Қайта ишлаш — даромад манбаи

Ушбу лойиҳани рўёбга чиқаришда тадбиркор И. Жўраевага банкдан олинган 35 миллион сўмлик кредит катта маддад бўлди. Айни пайтда у раҳбарлик қилаётган «Ягона Шарқ замини» хусусий корхонасида бир кеча-кундузда бир тоннагача сут қайта ишланиб, 7 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚИШЛОҚ КЎРКИ

Олот — мамлакатимизнинг энг чекка туманларидан бири. Аммо бу ерда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини кўриб, тумандаги қишлоқлар қиёфаси кун сайин ўзгариб бораётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Кўркам боғ-роғлар, кенг ва равон кўчалар, обод хиббону майдонлар бу гўша одамларининг кўли гул, меҳнаткаш, тиниб-тинчимас эканлигидан далолат бериб турибди.

— Мана бу муҳташам иморатларга қаранг, — дейди «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раиси Бахтиёр Воҳидов бизни Ифтихор кўчаси сари бошлар экан. — Юртдошларимиз, хусусан, ҳозирги ёшлар замонавий, ҳар томонлама қулай, шинам ва кўркам уйларда яшашни исташади. Шу кўчадан ўтганимда, очиги, ич-ичимдан қувониб кетаман. Биз тенги авлоднинг болалиги тор, паскам, гуваладан тикланган уйларда кечган. Ҳозирги ёшларга ҳар қанча ҳавас қилса, арзийди. Буларнинг бари Истиқлол шарофати, Юртбошимиз олиб бораётган оқилона сиёсат мевасидир.

Қарор ва ижро

ерда 51 уй-жой қад ростлайди. Жорий йилда шу хонадонларнинг 25 таси фойдаланишга топширилади. — Бу каби кенг кўламли юмушларни амалга оширишда Президентимизнинг 2009 йил 19 июнда имзоланган «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори дастурил-амал бўлмоқда, — дейди тумандаги «Ўзбекистон» хусусий фирмаси раҳбари Анвар Қўлдошев. — Фирмамиз анча йиллардан буён гишт ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ускуналаримиз эскиргани боис табиий газ


ва бошқа харажатлар сарфи кўпайиб, маҳсулот таннархининг қимматлашувига сабаб бўлаётганди. Яқинда 105 миллион сўм маблағ эвазига хориждан тежамкор технология линия олиб келдик. Туман ҳокимлиги қарори билан бизга 70 сотих ер ажратилди. Модернизация лойиҳасига мувофиқ, янги хумдонни ишга тушираямиз.

Тумандаги «Севинч қурилиш» хусусий корхонасида ҳам пишқ гишт ишлаб чиқариш бўйича модернизация юмушлари бажарилапти. «Олим Қаюмов» фермер хўжалиги таркибиди эса йилга 1,5 миллион дона гишт ишлаб чиқариш қувватига эга янги корхона барпо қилинмоқда. Буларни алоҳида таъкидлашимиз бежиз эмас.

Гап шундаки, илгари пишқ гишт, асосан, кўшни туманлардан келтирилиб эди. Бу эса иморат тиклаш иштиқидида юрган олотликларга бирмунча ноқулайликлар туғдираётганди. Эндиликда бу масала ўз ечимини топапти.

— Пичоқчи маҳалласида яшовчи Бозор Камолонинг кўркам иморатини кўриб, ундан ўрнатилган кишиларни биланман, — дейди Бахтиёр Воҳидов. — Пишқ гиштдан тикланган бундай уйлар оилага узоқ йиллар давомида хизмат қилади. Уларнинг кўркамлигини айтмайсизми? Бундай уйлар нафақат туманимиз, балки жаннатмонанд юртимизнинг кўркидир.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

«БУЮК ИПАК ЙЎЛИ — ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА САЁҲАТ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида бугун юртимиз рассомлари кўплай халқаро кўргазмалар, санъат фестиваллари ва танловларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

— Халқаро кўргазманинг «Буюк Ипак йўли — тинчлик йўлида саёҳат» деб номланиши ҳам бежиз эмас, — дейди Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, мусаввир Ортикали Қозоқов. — Чунки Буюк Ипак йўли қадимда Шарқ ва Ғарбни боғловчи мустаҳкам йўналиш бўлган. Бу худудда жойлашган мамлакатлар тарихи, уларнинг аънавалари, урф-одати, бой маданий-маънавий мероси билан танишиш бугунги кунда гоята муҳим саналади. Мазкур халқаро кўргазма-

ни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ҳам ушбу маконда истиқомат қилаётган мамлакатлар рассомлари ўртасидаги ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ҳар бир мамлакатнинг миллий тасвирий санъатини таништириш, Буюк Ипак йўли аънаваларини қайта тиклашдан иборатдир.

13 июнга қадар давом этадиган кўргазмада юртимиз рассомлари билан бирга, Хитой, Россия, Бангладеш, Миср, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби мамлакатлардан ташриф буюрган 50 дан зиёд рассомнинг асарлари намойиш этилмоқда.

Халқаро кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф. Акбарова, ШХТ Бош котиби М. Иманалиев сўзга чиқди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«НИҲОЛ» МУКОФОТИ УЧУН

САМАРҚАНД шаҳридаги Ҳамид Олимжон номли вилоят мусиқа ва драма театрида ёш ижрочиларнинг республика «Ниҳол» мукофоти танлови вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловнинг туман ва шаҳарларда ўтказилган саралаш босқичларида 900 нафарга яқин ёшлар иштирок этган бўлса, вилоят босқичида худудларда ғойалиқлини эгаллаган тўқсондан зиёд ёш ижрочилар эстрада, мумтоз кўшиқ, мусиқа, рақс санъати ва опера ижрочилиги бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Яқинда нарпайлик Хуршид Гадроев, жомбойлик Олимжон Соибов, Каттакўрғон шаҳридан Юлдуз Низомова каби ёш санъаткорлар голиб деб топилди. Эндиликда улар танловнинг республика босқичида иштирок этадилар.

С. АБДУРАСУЛОВ.

НАМАНҒАН шаҳрида санъат соҳасида янги иқтидорларни кашф этиш, ёш истеъоддорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган «Ниҳол» мукофоти кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг шаҳар ва туман босқичлари голиби бўлган 70 нафар иштирокчи ўз истеъодларини намойиш этишди.

Яқинда кўра, Фаррух Қозоқов, Саодат Йўлдошева, Ойдина Абролова, Дурдона Исмонова сингари бир қатор ёш ижрочиларга совринли ўринлар nasib этди. Эндиликда улар танловнинг республика босқичида иштирок этадилар.

К. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР — БУТУН ДУНЁГА

Парижда — Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО хузуридаги доимий ваколатхонасида «iPhone» телекоммуникация тизимида иш бошлаган махсус «UZ UNESCO» саҳифасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Франциянинг расмий, ижтимоий ва маданий доиралари, дипломатик корпуслар вакиллари, ЮНЕСКО ҳамда Париж шаҳрида аккредитациядан ўтган бошқа халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Тақдимот қатнашчиларига халқаро ҳамжамиятни юртимизнинг бой маънавий ва маданий-тарихий мероси, мамлакат раҳбарияти томонидан турли соҳаларни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда бугунги Ўзбекистоннинг тараққиёт ютуқ-

ларининг сайёҳлик имкониятлари ҳамда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарлари ҳақида ҳикоя қилувчи видеоларлардан баҳраманд бўлиш мумкин.

«Connecting» компанияси директорининг техника масалалари бўйича ўринбосари М. Трояннинг фикрича, дунёнинг исталган мамлакатидан туриб, Ўзбекистон ҳақидаги маълумотларни бевосита олиш ва хорижий сайёҳларнинг виза учун анкеталарни онлайн тизимида тўлдирishi имкониятлари мавжуд бўлган алоҳида бўлимага эга янги саҳифанинг ишга туширилиши муҳим аҳамият касб этувчи тадбир саналади. У, шунингдек, Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонаси ЮНЕС-

Биз ва жаҳон

Ҳақидаги маълумотларни бевосита олиш ва хорижий сайёҳларнинг виза учун анкеталарни онлайн тизимида тўлдирishi имкониятлари мавжуд бўлган алоҳида бўлимага эга янги саҳифанинг ишга туширилиши муҳим аҳамият касб этувчи тадбир саналади. У, шунингдек, Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонаси ЮНЕС-

«Жаҳон» АА. Париж



МИКРОКРЕДИТБАНК

Бугунги кунда аҳолини иш билан таъминлаш, даромадини ошириш ҳамда турмуш фаровонлигини юксалтиришда, умуман, республикамиз иқтисодиётини мустаҳкамлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектларнинг ўрни бекиёс. Сабаби, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазкур тармоқ вакиллари катта имкониятлар яратмоқда. Айни шу соҳани кўллаб-қувватлашга ихтисослашган "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки, хусусан, унинг Навоий вилояти филиалида олиб борилаётган ишлар бунга яққол мисол бўла олади.

Навоий вилояти деганда, аввало, кўз олдимизда саноат мажмуалари, йирик ишлаб чиқариш корхоналарига эга худуд намён бўлади. Кейинги йилларда "Микрокредитбанк"нинг ихчам, сердаромад ва ишончли лойиҳаларни молиявий кўллаб-қувватлаши натижасида бу ерда тадбиркорлик, касаначилик, фермерлик сингари меҳнат турлари ҳам жадал ривожланаётгани кувонарлидир.

Томди туманидаги "Жигер" кичик корхонаси — шундай тадбиркорлик субъектларидан бири. 2006 йилда банкнинг молиявий кўмаги билан унинг раҳбари Фариди Муҳамедова қўй юнғидан сифатли кийим ва чўпонлар учун ўтов тайёрлашни йўлга қўйган бўлса, эндиликда ўнлаб тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли янги сартарошхоналар, ишлаб чиқариш корхоналари, маиший ва хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият юритмоқда. Буларнинг бари филиал томонидан ўтган йили вилоятдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 миллиард сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилгани, 8 минг 453 та янги иш ўрни яратилгани, миқозлари сони 8 мингтага етганининг самарасидир.

жамоа манзилли дастур ижроси бўйича муайян натижаларга эришди. Масалан, Навбахор туманидаги "Гипс Пиалто" фирмаси банкдан 16,5 миллион сўм микросармоа олиб, ганчкорлик буюмлари ишлаб чиқармоқда. "Амир Олимхон сўмоги" хусусий корхонасида эса банкнинг 14 миллион сўмлик сармоа эвазига тухум ва гўшт маҳсулотлари етиштирилиб, улар кўплаб мактабгача таълим муассасалари, спорт мактаблари ва шифохоналарга етказиб берилмоқда.

Айтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 февралдаги "2009 — 2010 йилларда Навоий вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги қарори талабларини бажариш борасида ҳам "Микрокредитбанк"нинг вилоят филиали ўз ҳиссасини қўшмоқда. Жумла-

шини фойдали меҳнатга жалб этиш имконини берди. — Оиламизнинг жамғармаси ҳисобига вилоят марказида сутни қайта ишлаш кичик корхонасини очгандик, — дейди "Шифобахш Навоий сут" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Нўмон Ҳалимов. — "Микрокредитбанк" билан ҳамкорлик ўрнатганимиздан сўнг 14 миллион сўмлик кредит эвазига аҳолидан сут сотиб олиб, уни қайта ишлашни йўлга қўйдик. Ҳозир даромадимиз чакки эмас. Айтмоқчиманки, "Микрокредитбанк"нинг кам фоизли маблағла-

ларда Навоийдан ташқари, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларига ҳам жўнатилмоқда. "Бақожон шоҳ" хусусий корхонаси тўғрисида ҳам худди шундай илиқ фикр-ни айтиш мумкин. Гап шундаки, Файзулла Эшқобилов раҳбарлик қилаётган ушбу корхонада 35 турдаги макарон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бу, албатта, банкнинг 40 миллион сўмлик микролизинг хизмати натижасидир. Агар филиал томонидан

ли, 267 минибанки ва кўплаб агентликлари ишлаб турибди. Жумладан, Навоий вилоятининг Томди, Зарафшон сингари шаҳар ва туманларида биринчилардан бўлиб банк хизматлари ташкил этилган бўлса, яқинда Учқудуқ туманида ҳам унинг филиали очилди. Таъкидлаш керакки, бу филиалнинг очилиш маросими ўзига хос байрамга айланди. Тадбир давомида банк миқозлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўрғазма-савдоси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.



ислоҳ қилиш, улар томонидан кўрсатилаётган хизматларни такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган ишлар аҳоли ва миқозларга бир қатор қулайликлар яратаяпти. Филиал томонидан "SMS-банк", "Интернет-банк" хизматларининг жорий этилгани, уяли алоқа компанияларининг экспресс-тўлов карточкаларини сотиш ҳамда "Paynet" электрон тизими орқали коммунал тўловларни қабул қилиш кенг йўлга қўйилгани шулар жумласидандир. Шу билан бирга, халқаро пул ўтказмалари хизмати янада мукаммаллаштирилиб, "Western Union", "Быстрая Почта", "Migom", "Contact" сингари ташкилотлар билан алоқалар ўрнатилгани муваффақиятлар омили бўлаётди.

Банкдан ташқари пул айланишини кескин қисқартириш ва нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валютани барқарорлигини ошириш учун пластик карточкалардан фойдаланиш масаласи ҳам филиал жамоасининг диққат марказида турибди. Ҳозирда филиалнинг 10 000 данадан зиёд пластик карточкалари муомалага чиқарилган бўлиб, пластик карточкалар ва терминаллар ёрдамида амалга оширилган ишлар ўтказмалар ҳажми йилдан-йилга кўпаймоқда. Мисол учун, 2009 йилнинг дастлабки уч ойида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига 105 та терминал ўрнатилган бўлса, жорий йилнинг I чорагида уларнинг сони 270 тага етди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 31 октябрдаги "Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида"ги қарори мувофиқ, 2009 йил якуни бўйича республика тижорат банклари ўртасида танловда банкнинг Кармана филиали "Қишлоқ жойларида аҳоли омонатларини

чалари — бўлажак ишбилармонларга бошланғич сармоа учун сертификатлар топширилди. **Замонавий хизмат — ривожланиш гарови** Бугун мамлакатимизда банк-молия тизимини

жалб қилиш бўйича 2009 йилнинг энг яхши филиали" номинациясида голиблар сафидан жой олгани ҳам диққатга сазовордир. Ҳозирги кунда банк тизимида 18 турдаги жозибдор омонатлар мавжуд бўлиб, уларнинг 17 таси мuddатли ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки, хусусан, унинг Навоий вилояти филиали жамоаси томонидан амалга оширилаётган ишлар худудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қўлмай, балки аҳоли турмуш даражаси юксалишига даромадлари кўпайишига, пировардида республикамиз иқтисодий салоҳиятининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилаётди.

Банк матбуот хизмати.

«Микрокредитбанк»:

МИЖОЗ МАНФААТИ — АСОСИЙ ОМИЛ

Банкнинг Навоий вилояти филиали ана шу мезонга амал қилган ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

ри биз, тадбиркорлар учун фаолиятимизни кенгайтиришда жуда асқотаяпти.

Имтиёз, имконият, самара

— "Микрокредитбанк"нинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаш учун ихтисос-

диган бўлса, унда кам фоизли лизинг хизмати орқали замонавий техника ёки технология билан таъминлаш имкониятига эгамиз. Айтайлик, Учқудуқ туманидаги "Рўзи-Хўжам" корхонасида банкимизнинг 41 миллион сўмлик лизинг хизмати туфайли йодланган ош тузи ишлаб чиқарила-пти. Бу маҳсулот айни кун-

жорий йилнинг ўтган беш ойида барча тадбиркорлик субъектларига 3,5 миллиард сўм миқдорда микромолиявий хизматлар кўрсатилгани ҳисобга олинса, жойларда бундай яратувчилик ишлари янада жадаллашганини, имтиёз ва имкониятлар ўз самарасини бераётганини сезиш қийин эмас.



Таклиф ва ташаббус уйғунлиги

— Бугун юртимизнинг барча худудларида бўлгани каби, бизнинг қишлоғимиз қиёфаси ҳам тубдан ўзгариб бораёпти. Кувонарлиси, ана шу ижобий ўзгаришларда "Микрокредитбанк"нинг ҳиссаси катта бўлаётди. Қишлоғимизда фаолият юритаётган сартарошхона, пойабзал тузатадиган устахона, тикувчилик цехи каби кўплаб тадбиркорлик субъектлари мазкур банкнинг молиявий кўмаги билан ташкил этилгани, улар томонидан ҳозир аҳолига намунали хизмат кўрсатилаётгани шундан далolat беради.

Шавкат ҲУСЕНОВ, «Армижон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Янги филиал иш бошлади

Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида" ги Фармони билан иш бошлаган мазкур молия муассасининг республикамиз бўйича 81 филиал-


лашган молия муассасаси сифатида хўжалик юритувчи субъектларнинг яқин кўмақчисига айланиб бораётганидан мамнунмиз, — дейди филиал раҳбари Юсуф Раҳимов. — Бунда барча микрокредит турлари аянан тадбиркорликни бошлаш ва ривожлантириш учун мўлжаллаб иш-

Факт ва рақамлар

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини кўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида асосан, банкнинг устав капитални қўшимча 72 млрд сўмга кўпайтирилиб, унинг умумий миқдори 150 млрд сўмга етказилди.
- Россиянинг йирик молиявий ташкилотлари "Райффайзенбанк" ва "Русславбанк", Беларус Республикасининг "Беларусбанк" ҳамда "RBS UZBEKISTAN" билан корреспондентлик муносабатлари ўрнатилди.
- "Вестерн Юнион" компаниясининг "Тармоқда филиалларни намунали бошқариш" номинацияси бўйича голиблик қўлга киритилди.
- Нуфузли халқаро "Fitch Ratings" компанияси банк фаолиятини узоқ ва қисқа мuddатли ҳамда умумий узоқ мuddатли барқарор рейтинглари билан баҳолади.
- Бутунжаҳон Микромолиявий ташкилотларнинг ахборот алмашишуви — "MIX-MARKET" рейтинг агентлиги ҳисоботида кўра, "Микрокредитбанк" Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар бериш йўналишида фаолият юритаётган банклар, давлат ва хусусий кредит уюмлари орасида аҳолига кўрсатилаётган хизматлари бўйича 2009 йилда энг юқори кўрсаткичларга эришди ва 5 оммавий микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида эътироф этилди.

- Испания пойтахти Мадрид шаҳридаги жаҳоннинг турли ташкилотлари фаолиятини сифат кўрсаткичи бўйича халқаро юлдуз соврини билан баҳолайдиган Бизнес Ташаббуслари Йўналишлари (Business Initiatives Directions) ташкилотининг Париж, Лондон, Мадрид, Женева, Франкфурт ва Нью-Йоркда бўлиб ўтган конгрессларида 94 мамлакатга тегишли ташкилотларни тақдирлашга қарор қилинди. Улар орасида соҳадаги етакчилик фаолиятида эришган ютуқлари бўйича "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки 2009 йилда Сифат кўрсаткичи бўйича халқаро юлдуз совринининг "Олтин категорияси"га муносиб топилди.
- Банк хизматлари бўйича халқаро тажрибаларни чуқур ўрганиш, банк ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, микрокредитлаш қўламини кенгайтириш масалалари бўйича Россия Микромолиялаш Маркази билан тренинг ўтказилди.
- Жаҳон банкнинг 1,1 млн. АҚШ доллари "Қорақалпоғистонда пиллачиликни ривожлантириш" лойиҳасига, Халқаро Тараққиёт уюмсининг 5 млн. АҚШ доллари "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини кўллаб-қувватлаш II босқич" лойиҳасини молиялаштиришга, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг 222,9 минг АҚШ доллари "Аҳоли турмуш тарзини яхшилаш" лойиҳасини молиялаштиришга йўналтирилди.

Микромолиявий хизматлар динамикаси (млн. сўм ҳисобида)



Маблағлар — истиқболли лойиҳаларга

2010 йилда республикада янги иш жойлари ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига кўра, Навоий вилоятида 40321 та янги иш ўрнини яратиш кўзда тутилган. Шу мақсадда 1200 дан зиёд кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этиш, яқка тартибдаги тадбиркорликни, фермер хўжаликлари ва касаначиликни ривожлантириш ҳамда бошқа имкониятларни ишга солиш режалаштирилган. Бу, табиийки, "Микрокредитбанк" филиаллари зиммасига ҳам талайгина вазифалар юклайди. Ҳозирда мазкур

дан, "Конимех парранда" фермер хўжалигига 14 миллион сўм, "Кармана автосавдо" ва "Ниагара спорт" хусусий корхоналарига 56 миллион сўмдан сармоа ажратилгани натижасида ўнлаб кишилар даромад манбаига эга бўлишди. Филиал томонидан кўрсатилган 607 миллион сўмлик микролизинг хизматлари ҳисобига эса 200 дан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун тўртта миқозга 167 миллион сўм, ноозиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган тўққизта корхонага 440 миллион сўм миқдорда микрокредит ажратилиб, микролизинг хизматлари кўрсатилди. Бу, ўз навбатида, салкам икки юз нафар ки-



Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

Бугун Жанубий Африка Республикасида футбол бўйича навбатдаги — XIX жаҳон чемпионати бошланади.

Хабарингиз бор, бугун футбол бўйича XIX жаҳон чемпионати ЖАР яшил майдонларида старт олади. Эътирофга лойиқ томони шундаки, ушбу йирик мусобақани очиб берадиган Жанубий Африка Республикаси — Мексика ўйинини ўзбекистонлик ҳакам Равшан Эрматов бошқаради. Шу муносабат билан ҳамюртимиз, истеъдодли футбол мутахассисининг отаси Сайфиддин Эрматовнинг фикрлари билан қизиқдик.

ди. Фарзандларимиз жаҳон, қитъа микёсидаги чемпионатлар, турнирлар, олимпиадалар, кўрик-танловлардаги ғалабалари билан ўзбек ёшлари ҳам ҳеч қимдан

билан лиммо-лим. Уларнинг орасида бизнинг оила ҳам борлигидан фахрланамиз. Ҳа, айтганча, олдинги мундиалларда оиламиз билан бирор бир бегона термага ишқибозлик қилардик. Энди эса ўғлим бошчилигидаги ҳакамлар жамоасини ҳам қўллаб-қувватлаш имконияти пайдо бўлганидан, бу галги мундиалда она-Ватанимизнинг номи қайта-қайта тилга олинишидан чексиз гурурланамиз.



ЖАР майдонларида ўтадиган мундиалда пеналиги телиш борасида янги тартиб жорий этилади. Эндиликда жарима зарбасини бераётган футболчи бир ҳаракатда тўпни тегиши керак. Агар ушбу ҳолатда ўйинчи алдамчи кўринишда тўп тепса, яъни секинлашиб, тўхтаб қолиб ёки бошқа усулда дарвозабонни чалғитиб гол киритса, инobatга олинмайди. Ўйинчи сариқ карточка билан жазоланади ва жарима зарбаси қайтадан амалга оширилади. Вазиятни аниқ баҳолаш учун бош ҳакамга захирадаги рефери кўмаклашади.

ЎЗБЕК ҲАКАМИ ИЛК ЎЙИНИ БОШҚАРАДИ

лар қатори спортга, хусусан, футболга берилаётган катта эътибор меваси, деб биламан. Шундай пайтлари яқин ўтмиш эсимга тушади. Ўшанда "Ўзбекистонлик ҳакам Осиеда "Энг яхши" деб топилди", деса, ҳеч қим ишонмасди. "Ўзбекистонлик ҳакам клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати финалини бошқарибди", деган гапни тасаввуримизга сиғдира олмасдик. "Ўзбек ўғлини тўрт йилда бир бор ўтқа-

зиладиган дунёдаги энг йирик мусобақа — футбол бўйича жаҳон чемпионатини очиб берадиган, деган хабарни эшитиш эса, етти улаб тушимизга ҳам кирмаган эди. Бугун-чи? Бугунги улуг кунларда бир пайтлари жигаргўшаси камолини кўриш имкониятига эга бўлмаган кексалар, ота-оналар ўз неваралари, фарзандлари ва улар

эришаётган ғалабалар, натижалар тимсолида орзу-армонлари рўёбига гувоҳ бўлишмоқда. Чунончи, ўғил-қизларимиз илм-фан, спорт, санъат каби соҳаларда ўз қобилиятларини дунё саҳналарида баралла намойиш этаётганлари барчамизни қувонтира-

кам эмаслигини исботлашмоқда. Буларнинг барчаси мана шундай ёруғ кунлар шарофатидан эмасми? Шунинг учун ҳам ёшу кекса, ота-оналарнинг қалблари фахру ифтихор нурлари

Изхор

— Шу кунларда кўплаб юртдошларимиз кўнғироқ қилишиб, ўғлимни жаҳон чемпионатининг очилиш ўйинига ҳакам этиб тайинлангани билан чиндилдан табриқлашмоқда, — дейди С. Эрматов. — Бундай унутилмас бахт биз, ота-оналарга насиб этганидан жуда бахтиёримиз. Буларнинг барчаси мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида бошқа соҳа-

Спортнинг Олдими Сирли

Мухлислар, мутахассислар, футболчилар учун тўрт йилда бир бор ташкил этиладиган футбол бўйича жаҳон чемпионати катта қувончга айланиши, шубҳасиз. Айримлар учун эса... Улар — узоқ вақтли орзиқишлар ниҳоясига етиши арафасида жароҳат олган, орзулари армонга айланган чарм тўп усталари ва ҳакамлардир.

ЭНГ ЖИДДИЙ РАҚИБ — ЖАРОҲАТ


Хусусан, Англия терма жамоасининг сардори ва асосий ҳимоячиси Рио Фердинанд, португалиялик мохир ярим ҳимоячи Нани жароҳат туфайли энг керакли пайтда сафдан чиққани кутилмаган ҳол бўлди. Голландиялик иккитдор эгаси Аръен Роббен, италиялик Андреа Пирло, кот-д'ивуарлик Дидье Дрогбанинг дастлабки ўйинларда майдонга тушиши ҳам сўроқ остида турибди.

Англия терма жамоасига номзодлар орасидан жой олган таниқли плеймекер Дэвид Бекхэм эса март ойидаёқ жиддий жароҳатланган. Ҳозирда анча ўзига келиб қолган ўйинчи бекор ўтирмаслик учун машур интернет портали "Yahoo!" билан шартнома имзолади. Энди у "ЖЧ — 2010"га бағишланган видеороликлар ва реклама кампанияларида иштирок этади.

Чилилик ҳакам Пабло Посо энг эсда қоларли воқеа қаҳрамонига айланди. У биринчилик доирасидаги Жазоир — Словения ўйинини бошқариши керак эди. Бироқ бу ҳакам бемаврид олган жароҳати боис мундиални бутунлай тарк этишга мажбур бўлди. Унинг ўрнига гватемалалик Карлос Альберто Батрес тайинланди.



С. МАХСУМОВ тайёрлади.



ЖАРга меҳмон бўлган жамоалар учун аллақачон зарур шарт-шароитлар тайёрлаб қўйилган. Аммо меҳмоннинг ўзига яраша инжиқлиги бўлади. Бу меъёрдан ошиб кетмаса, мезбонга малол қолмайди. Бундай дейишимизга сабаб, ЖАРга ташриф буюрган баъзи терма жамоаларнинг "хурмача қилиқлари" ташкилотчиларни ўйлантириб қўймоқда. Синчков оммавий ахборот воситалари вакиллари эса ушбу ҳолатларни эътибордан четда қолдиришмади, албатта.

Кимнинг дарди кимада?

Жумладан, Бразилия терма жамоаси мутасаддилари футболчилар ЖАРда ўзларини худди уйдагидек ҳис этишлари учун барча имкониятларни ишга солишмоқда. Жамоа жойлашган "Фэйрвей Отел"даги сузиш хавзаси икки баробарга катталаштирилди. Бундан ташқари, меҳмонхона худудида умуман шоколад сотмаслик сўралди. Чунки бу ширинликка бразилияликлар жуда ўч бўлишаркан. Мухим ўйинлар олдидан кўп шоколад истеъмол қилиш футболчиларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин экан.

"Ботсвана" меҳмонхонасига жойлашган Хавьер Агирре бошчилигидаги Мексика терма жамоаси вакилларига даярли барча шароит манзур эди. Уларга деворнинг ранги, таомлар ва ҳатто, сув хавзаси ҳам маъқул бўлган. Аммо меҳмонхонада руҳоний йўқлиги бир оз дилхиралikka олиб келди. Бунинг ҳам иложи топилди. Мутасаддилар уни Мексикадан чақиртирадиган бўлишди.

Ўқинг, қизик!

Италияликлар эса "Қора қитъа"га ошпаз билан келишган. У футболчиларга мамлакатнинг миллий таоми — паста тайёрлаб беради. Унга ишлатиладиган масалликлар, айниқса, макарон, албатта, Италиядан келтирилади.

Шу кунларда жаҳон чемпионати билан боғлиқ қизик бир ҳолат пайдо бўлди. Эмишки, мусобақанинг расмий тўпи — "Жабулани" ("Бахт, байрам") айрим футболчиларга жуда энгил туолмоқда. Бу эса тўп йўналишининг кутилмаган томонга ўзгариб кетишига сабаб бўлиши мумкин экан. Шу боис бундан, айниқса, дарвозабонлар кўпроқ ташвиш чекмоқда.



Шунга ўхшаш гап-сўзлар Италия ва Испания терма жамоалари дарвозабонлари Жанлуиджи Буффон ҳамда Икер Касильяс томонидан ҳам айтиб ўтилди.

Қизиқарли маълумотлар ва айрим далиллар

Шу ўринда мазкур жаҳон чемпионатида захира ҳакамининг масъулияти янада оширилишини айтиб ўтмоқчимиз. Яъни улар учрашув давомида майдондаги ҳакамга ўз фикрларини хоҳлаган вақтда билдиришлари мумкин. ФИФА бош қотиби Жером Вальке "Бундан бунгига захира ҳаками ўйиндаги ҳар қандай вазият учун майдондаги ҳакамлар билан бир хил масъулиятга эга бўлади", деб таъкидлади.

ЖАР майдонларида ўтадиган мундиалнинг мукофот жамғармаси 420 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Шундан 30 миллиони голиб терма жамоага насиб этади. Финалга чиққан жамоага 24, чорак финалчиларга 20 миллион АҚШ доллари берилади. Хар бир иштирокчи жамоа, кўрсатган натижасидан қатъи назар, 9 миллион АҚШ доллари микдоридagi маблағга эга бўлади. Бундан ташқари, ФИФА яна 40 миллион АҚШ долларини захирага сақлаб қўйган. У жароҳат олган футболчилар учун клубларга компенсация ва яна бошқа ҳаражатларга сарфланади.

Учрашувларни бошқарган ҳакамлар ҳам муносиб рағбатлантирилади. Хусусан, ўйинларни бошқарган реферилар 40 минг АҚШ долларидан кам маблағ олишмайди. Мукофот пуллари бериш ҳам кўзда тутилган.

Сир эмаски, сўнгги пайтларда экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида турли изланишлар олиб борилмоқда. Ва, ўз навбатида, маълум бир муваффақиятларга эришилмоқда ҳам. Бу мазкур мундиал учун либослар тайёрлашда ҳам эътибордан четда қолмади. Хусусан, спорт маҳсулотлари ишлаб

чиқарувчи "Nike" компанияси кийимларни қиқинди сифатида ташлаб юборилган пластик идишлардан олинган тоғалардан тикди. Ана шундай либосларда Англия, Бразилия, Португалия, Голландия, АҚШ, Жанубий Корея, Австралия, Янги Зеландия, Словакия ва Сербия терма жамоалари ҳаракат қилишади.

Чемпионатга тайёргарлик кўраётган Бразилия терма жамоаси посбони Сезар тўп ҳақида танқидий фикр билдириб, шундай деган: "Менимча, тўпни яратишда атайлаб дарвозабонларга қийинчилик туғдириш кўзда тутилган бўлиши мумкин. Уни тўтиб олиш учун жуда диққат-эътиборли бўлиш лозим. "Жабулани" дўконлардаги оддий тўпдан фарқ қилмайди".



Икер Саудия Арабистонига қарши ўтказилган ўртоқлик ўйинида тўпга қўника олмай ўта асабийлашганини маълум қилган бўлса, италиялик ҳимоячи Жампаоло Пасцини, бразилиялик ҳужумчи Луиш Фабиано ва ярим ҳимоячи Жулио Балтиста тўп йўналишини топиш жуда қийинлигини билдиришган.

Англия терма жамоаси аъзоси Фрэнк Лэмпард эса тўпда камчилик кўрмаганини айтиб ўтган.

Кизиғи, бу каби эътирозлар илгари ўтказилган мундиаллар арафасида ҳам бот-бот тилга олинган. Жумладан, 1978 йил Аргентина, 2002 йил Япония ва Жанубий Корея ҳамда 2006 йил Германия ашилл майдонларида ташкил этилган жаҳон чемпионатлари олдидан ҳам баъзи футболчилар тўплардан нолишганди.

Хулоса қилиб айтганда, футбол бўйича жаҳон чемпионати азиздан мухлислар учун ҳақиқий байрамдек кечган. ЖАР майдонларида ҳам бу шодиёна давом этишига шубҳа йўқ.

Ф. АБИЛОВ тайёрлади.

№	Сана	Соат	Жамоалар	Гуруҳ	Стадион
1	11.06	19:00	ЖАР	Мексика	А Йоханнесбург, "Соккер Сити"
2	11.06	23:30	Уругвай	Франция	А Кейптаун, "Кейптаун"
3	12.06	16:30	Жанубий Корея	Греция	В Порт Элизабет, "Нельсон Мандела"
4	12.06	19:00	Аргентина	Нигерия	В Йоханнесбург, "Эллис Парк"
5	12.06	23:30	Англия	АҚШ	С Рюстенбург, "Рояль Бафокенг"
6	13.06	16:30	Жазоир	Словения	С Полокване, "Петер Мокаба"
7	13.06	19:00	Сербия	Гана	Д Претория, "Ллофтус Версфельд"
8	13.06	23:30	Германия	Австралия	Д Дурбан, "Мосес Мабида"
9	14.06	16:30	Голландия	Дания	Е Йоханнесбург, "Соккер Сити"
10	14.06	19:00	Япония	Камерун	Е Блумфонтейн, "Фри Стейт"
11	14.06	23:30	Италия	Парагвай	Ф Кейптаун, "Кейптаун"
12	15.06	16:30	Янги Зеландия	Словакия	Г Рюстенбург, "Рояль Бафокенг"
13	15.06	19:00	Кот-д'Ивуар	Португалия	Г Порт Элизабет, "Нельсон Мандела"
14	15.06	23:30	Бразилия	ҚХДР	Г Йоханнесбург, "Эллис Парк"
15	16.06	16:30	Гондурас	Чили	Н Нелспрейт, "Мбомбела"
16	16.06	19:00	Испания	Швейцария	Н Дурбан, "Мосес Мабида"
17	16.06	23:30	ЖАР	Уругвай	А Претория, "Ллофтус Версфельд"
18	17.06	16:30	Аргентина	Жанубий Корея	В Йоханнесбург, "Соккер Сити"
19	17.06	19:00	Греция	Нигерия	В Блумфонтейн, "Фри Стейт"
20	17.06	23:30	Франция	Мексика	А Полокване, "Петер Мокаба"
21	18.06	16:30	Германия	Сербия	Д Порт Элизабет, "Нельсон Мандела"
22	18.06	19:00	Словения	АҚШ	С Йоханнесбург, "Эллис Парк"
23	18.06	23:30	Англия	Жазоир	С Кейптаун, "Кейптаун"
24	19.06	16:30	Голландия	Япония	Е Дурбан, "Мосес Мабида"

№	Сана	Соат	Жамоалар	Гуруҳ	Стадион
25	19.06	19:00	Гана	Австралия	Д Рюстенбург, "Рояль Бафокенг"
26	19.06	23:30	Камерун	Дания	Е Претория, "Ллофтус Версфельд"
27	20.06	16:30	Словакия	Парагвай	Ф Блумфонтейн, "Фри Стейт"
28	20.06	19:00	Италия	Янги Зеландия	Г Нелспрейт, "Мбомбела"
29	20.06	23:30	Бразилия	Кот-д'Ивуар	Г Йоханнесбург, "Соккер Сити"
30	21.06	16:30	Португалия	ҚХДР	Г Кейптаун, "Кейптаун"
31	21.06	19:00	Чили	Швейцария	Н Порт Элизабет, "Нельсон Мандела"
32	21.06	23:30	Испания	Гондурас	Н Йоханнесбург, "Эллис Парк"
33	22.06	19:00	Мексика	Уругвай	А Рюстенбург, "Рояль Бафокенг"
34	22.06	19:00	Франция	ЖАР	А Блумфонтейн, "Фри Стейт"
35	22.06	23:30	Нигерия	Жанубий Корея	В Дурбан, "Мосес Мабида"
36	22.06	23:30	Греция	Аргентина	В Полокване, "Петер Мокаба"
37	23.06	19:00	Словения	Англия	С Порт Элизабет, "Нельсон Мандела"
38	23.06	19:00	АҚШ	Жазоир	С Претория, "Ллофтус Версфельд"
39	23.06	23:30	Гана	Германия	Д Йоханнесбург, "Соккер Сити"
40	23.06	23:30	Австралия	Сербия	Д Нелспрейт, "Мбомбела"
41	24.06	19:00	Словакия	Италия	Ф Йоханнесбург, "Эллис Парк"
42	24.06	19:00	Парагвай	Янги Зеландия	Г Полокване, "Петер Мокаба"
43	24.06	23:30	Дания	Япония	Е Рюстенбург, "Рояль Бафокенг"
44	24.06	23:30	Камерун	Голландия	Е Кейптаун, "Кейптаун"
45	25.06	19:00	Португалия	Бразилия	Г Дурбан, "Мосес Мабида"
46	25.06	19:00	ҚХДР	Кот-д'Ивуар	Г Нелспрейт, "Мбомбела"
47	25.06	23:30	Чили	Испания	Н Претория, "Ллофтус Версфельд"
48	25.06	23:30	Швейцария	Гондурас	Н Блумфонтейн, "Фри Стейт"

Ўйинларнинг бошланиш вақти Тошкент вақти билан кўрсатилган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 52482 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Копиятлар 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган кўлемлар тақриб қилинади ва муаллифга қайтариқмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[]-Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.50 Топширилди — 01.50

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи қотиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонихонов.
Мусахҳах — Ҳ. Топшўжаев.

1 2 3 5